

Объектда жорий таъмирлаш ишларини бажаришга тузилган 442/1/у/и-сонли

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Тошкент шахри

2022 йил «07» 12

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «ТОШКЕНТ ШАХРИ МИНТАҚАВИЙ ЙУЛЛАРГА БЮОРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ДУК номидан Устав асосида иш юритувчи директор О.Абдуназаров бир томондан ва «BIZNES IDEAL KOMFORT SARDOBA» МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи») номидан Устав асосида иш юритувчи Баш директор Г.Шерқулова иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 марта 2022-2026-йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари түғрисидаги №ПҚ-172 сонли қарори бўйича бюджет маблағлари хисобидан Яшинбод тумани А.Яссавий МФЙ даги Хавас кўчаси жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари түғрисидаги 684-сонли қонунига асосан <https://xarid.uzex.uz> махсус ахборот портали орқали (Лот раҳами 22110012195924) эълон килинган ва «Тошкент шахри минақавий йулларга буюртмачи хизмати» ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 07 12 баённомасига асосан куйидаги шартномани туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги түғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обект жорий таъмирига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги түғрисидаги далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши түғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови түғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтингчалик иншоатлар - «Пудратчи» томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоатлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нарҳини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича обектнинг умуний қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича обектда жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети томонидан шартнома тузилаётган обьект учун маблағ таъминланиши

билин түловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БҮЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бүйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган холда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан **401 126 899** (түрт юз бир миллион бир юз йигирма олти минг саккиз юз түккөсөн түккиз) сүмни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта күриб чиқилиши мумкин эмас, күйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- обектнинг (ундаги сунъий иншоотлар, кўприклар ва тоннелларнинг) жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;
- обектнинг жорий таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда санаб ўтилган ўзгартиришлар «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги шартномага қўшимча келишув тузиш билан расмийлаштирилади.

IV. «ПУДРАТЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бүйича «Пудратчи» шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

жорий таъмирлаш ишлари бошланишдан олдин объектда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, «Буюртмачи» иштирокида жорий таъмирлаш олиб борилаётган йул қисмини ва ундаги мавжуд йул элементларини ўрнатилган тартибда далолатнома асосида йулдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади;

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиха-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хуносаси асосида амалга оширилиши мумкин;

войиха-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари «Пудратчи» томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва ҳаражатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблаглардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблагни мазкур обектнинг айрим ҳаражатлари бүйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари ҳаражатларини қоплаш учун обектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида «Буюртмачи»нинг рухсати билан йуналтириши мумкин;

обектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва «Буюртмачи»га топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан обектни «Буюртмачи»га тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;

«Пудратчи» қурилиш давомида лойиха-смета хужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида «Буюртмачи»га хабар бериши шарт;

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган холда сифатли бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда

етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади; зарур ҳолларда курилиш майдони ҳудудида вақтингчалик иншоотлар қуради; курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтингчалик бинолардан бўштади;

курилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан муҳандислик коммуникацияларини куриш, кўчириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр ўтказиш тармоқлари ва ҳаказо) бўйича маҳсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда курилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

4.2. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ёки ўрнатилган тартибда «Ёрдамчи пудратчи» ёллаган ҳолда, зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йул қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

4.3. «Пудратчи» ташкилот томонидан курилиш-таъмирлаш ишлари (лаборатория хулосаси) якунлангандан сўнг 10 (ўн) кун муддатда фойдаланишга топшириш ишчи комиссия далолатномаси топширилади.

4.4. «Буюртмачи» томонидан тегишли Фазначилик бошқармасидан рўйхатдан утказиш учун жўннатилган электрон шартнома «Пудратчи» ташкилот томонидан ўз вақтида қабул қилиши шарт (жўннатилган вақтдан 3 кун муддатдан кечиктирмасдан).

V. «БЮОРТМАЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Пудратчи»дан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

«Пудратчи»нинг барча мурожаатларини ўн беш кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан «Пудратчи»га молиялаштириш манбаи бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети томонидан шартнома тузилаётган обект учун маблағ таъминланиши билан 30 % (ўттиз фоиз) миқдорда бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

«Буюртмачи» «Пудратчи»га ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

«Буюртмачи» 5 кунлик муддат ичida «Пудратчи» томонидан тақдим қилинган хисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса, уларни кўрсатган ҳолда «Пудратчи»га қайтариб беради.

Агар техник ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиши туфайли бажарилиши керак бўладиган кўшимча ишлар қиймати жихатидан сметада кўрсатилган қурилиш умумий қийматининг ўн фоиздан ошиб кетмаса ва қурилиш-пудрат шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини ўзгартирмаса, Буюртмачи-Лойиҳачи техник ҳужжатларга ўзгартиришлар киритишига ҳақли.

Техник ҳужжатларга ўзгартиришлар ўн фоиздан каттароқ ҳажмда ўзгартиришлар киритиши

тарафлар келишган қўшимча смета асосида амалга оширилади.

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кундан бошлаб кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

6.2. «Пудратчи» мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадваллари буйича амалга оширилади.

6.4. «Пудратчи» ишни бажаришнинг бошлангич ва охирги, шунингдек оралиқ муддатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартноманинг 5.1.-бандига асосан шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бунак (аванс) маблағи ўtkазади.

7.2. Мазкур пудрат шартномаси кучга кирган кундан «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ўз имконияти ҳисобидан обектда жорий таъмирлаш ишларини бошлайди.

7.3. «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонидан ҳар ойда бажарилган жорий таъмирлаш ишларини «Маълумотнома-ҳисоб-фактура» билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат курсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилади ва 2-иловага асосан молиялаштириш манбай бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирилиги ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети томонидан шартнома тузилаётган обект учун маблағ таъминланиши билан молиялаштирилади.

7.4. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган «Маълумотнома-ҳисоб-фактура»га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ҳар ойда, ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштирилиши амалга оширилади.

7.5. Объект ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилиб олинган кундан 12 (үн икки) ойлик кафолат муддати ўтгунга қадар «Пудратчи» бажарилган ишларнинг сифати учун жавоб беради.

7.6. «Пудратчи» объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект фойдаланувчи ташкилотга топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. «Буюртмачи» обьектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлади, у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. «Пудратчи» техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник кузатувчи «Пудратчи» томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш обьектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. «Пудратчи» таъмирлаш даврида «Буюртмачи»нинг вакилини (техник кузатувчини) обьектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.5. «Пудратчи» обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни «Буюртмачи» томонидан мазкур обьект учун биритирилган техник

кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан ойнинг охиригача обьектнинг ўзида кўриб чикади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига кадар «Буюртмачи»га топширади.

8.6. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошка камчиликларга йул қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади .

8.7. Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, ўз имкониятлардан келиб чиқиб ишлаш усули ва машина –механизмларнинг бир туридан бошка ишлаб чиқариш қуввати билан механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш ҳажмлари баҳосини аниқлашда «Пудратчи» амалдаги нарх ва механизмлар бўйича лойиха смета ҳужжатларида ажратилган маблағдан чиқмаган ҳолда расмийлаштириш хуқуқига эга.

8.8. «Пудратчи» ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

«Пудратчи» обьектда ишларни олиб бориш тартибини ваколат доирасидан келиб чиқкан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги хузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.9. Обьектда умумий тартибни таъминлаш «Пудратчи»нинг вазифаси ҳисобланади.

8.10. «Пудратчи» геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги, тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.11. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, «Пудратчи» «Буюртмачи» билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.12. «Пудратчи» геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича «Буюртмачи»га беради.

8.13. «Пудратчи» ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификасияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.14. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин «Пудратчи» «Буюртмачи»ни ва ваколат доирасидан келиб чиқкан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги хузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.

8.15. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ишларни куйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади:

«Буюртмачи»нинг вакили – техник назоратчи (раис), «Пудратчи» ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), йулга хизмат кўрсатадиган йул ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда).

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.16. «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиши дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейинги ишларни бажаришга

киришади.

8.17. Агар беркитиладиган ишлар «Буюртмачи»нинг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

«Пудратчи» «Буюртмачи»нинг манфаатлари га жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишлиарни «Буюртмачи»нинг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг курилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектни жорий таъмирлаш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни қабул қилиб олишда «Буюртмачи» томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу обектга хизмат кўрсатадиган йул ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва объектнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.18. Агар «Буюртмачи» «Пудратчи» ва (ёки) унинг «Ёрдамчи пудратчи»лари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда «Пудратчи» ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.19. «Пудратчи» курилиш майдонини ва унга туташ йул участкалари ва йулакларнинг озодалигини таъминлайди.

8.20. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунга қадар «Пудратчи» жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар, ҳамда объектга қабул қилинаётган асфальтобетон маҳсулотининг заводдан чиқиш ҳарорати ва йулга қабул қилинаётган ҳарорати) акс эттирилади.

Агар «Буюртмачи» ишларнинг бориши ва сифатидан ёки «Пудратчи»нинг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласи.

«Пудратчи» дафтарда «Буюртмачи» томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни кўрсатилган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. «Пудратчи» таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмири тугалланган обект «Буюртмачи» томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўрикланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулодда вазиятлар, фавқулодда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгид бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ

бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

«Пудратчи»нинг мазкур шартномани бажариш учун бошка шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда ё‘клиги, «Пудратчи»да зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгид бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равища узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервасия қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Жорий таъмирланган объект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи» ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

«Пудратчи» ташкилот ишчи комиссияга куйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда маъсул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган йулнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;
- йул-қурилиш материаллари ва йул тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журнallари, мувофиқлик сертификатлари;
- ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журнallари;
- ваколат доирасидан келиб чиқкан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганлиги тўғрисидаги далолатномалари.

11.2. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи»нинг ёзма билдиришномаси асосида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

11.3. «Пудратчи» жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ «Буюртмачи»га «Буюртмачи» томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. «Пудратчи» «Буюртмачи»га ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равища тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йуллардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

XII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

12.1. Томонлар:

Томонлар, уларнинг афилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларининг бузулишига олиб келинадиган ва/ёки коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози

бўлиш хатти харакатлари/харакатсизликларини содир этмайдилар.

Томонлар, уларнинг афилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайdir тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларини беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайdir хатти харакатларни/ харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиласидилар.

12.2. Томонлар ушбу илованинг 5.1 бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубхалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

XIII. КАФОЛАТЛАР

13.1. «Пудратчи»:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лоийха-смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида обьектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

обьектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

13.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

13.3. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар «Пудратчи» бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий хужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида урнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

13.4. «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги хузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспексияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Хўжалик Судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIV. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

14.1. Мазкур шартнома «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг ўзаро келишуви асосида бекор қилиниши мумкин, агарда келишув бўлмаса Тошкент Туманлараро Иктисадий Судида кўриб

чиқилади.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

15.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва бошқа конун хужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади;

Ётиқ чизиклар чизиш ишларини олиб бораётган «Пудратчи» ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ «Буюртмачи» олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

«Буюртмачи» билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтинослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларининг бузилиши;

объектнинг лойиха-смета хужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишларини бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

ётиқ чизиклар чизиш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда «Пудратчи» муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йул қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани;

«Пудратчи» ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигига «Буюртмачи», «Пудратчи»дан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш хукуқига эга:

Агар «Пудратчи» ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, «Буюртмачи» ёки йулдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан «Пудратчи» ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган заарни ва бажарилган иш қийматини ундириш хукуқига эга.

15.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

15.3. «Пудратчи» томонидан обектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, «Пудратчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш «Пудратчи»ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

15.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Буюртмачи» ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Ё‘л қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспексиясини хулосаси асосида обектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек «Пудратчи»дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган микдорида жарима ундириш хукуқига эга. «Буюртмачи» томонидан топилган нуқсонлар ва

камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун «Пудратчи» «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20% (фоизи) миқдорида жарима тўлайди.

15.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги, ёки лозим даражада бажарилмаганлиги мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йуқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

«Буюртмачи» «Пудратчи»нинг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисобитобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида «Буюртмачи»га қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, «Буюртмачи» ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан чегириб қолиш хуқуқига эга.

15.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XVI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

16.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йули билан ҳал этилади.

Низолар музокара натижасида келишувга эришилмаган такдирда даъво қилувчи томон юзага келган низо юзасидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига ўрнатилган тартибда даъво аризаси билан мурожаат қиласи.

XVII. АЛОХИДА ШАРТЛАР

17.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йуқотади.

17.2. «Пудратчи» курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи «Пудратчи»лардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

17.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

17.4. «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

17.5. Агар «Пудратчи» шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи» қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

17.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

17.7. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ҳамда томонлар ўз мажбуриятини тўлиқ бажаргунига қадар амал қиласи.

17.8. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича хуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

17.9. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

17.10. Мазкур шартномага қўйидагилар илова қилинади;

1-илова – Бажариш жадвали.

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

XVIII ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЙОРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«БҮЮРТМАЧИ»

**«ТОШКЕНТ ШАХРИ МИНТАҚАВИЙ
ЙУЛЛАРГА БҮЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ»
ДУК**

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68 уй
Ш/х: 3045 2186 0262 6970 4512 911 8625
СТИР: 304 893 532 OKED 71120
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Фазначилигининг Амалиёт бошкармаси
x/r 23 402 000 300 100 001 010
МФО: 00014 СТИР: 304 893 532
МБ Тошкент шаҳар бўйича ББХКМ

Директор

Г. Абдуназаров



«ПУДРАТЧИ»

**«BIZNES IDEAL KOMFORT
SARDOVA» МЧЖ**

Манзил: Сирдарё вилояти Сардоба
тумани Пахтобод Халқобод МФЙ,
Халқобод кўчаси 44-6 уй.
х/р: 2020 8000 4054 1843 7001Халқ
Банки Сардоба филиали
МФО: 00 763
ИНН: 308 717 990

Бош Директор

Г.Шерқулова



Юридан Рафиков - М. Юсупов

08/09-0


2022 йил 07 / 12

даги 442/19/2-сонли шартномага
1-илова

Обект: Яшнобод тумани А.Яссавий МФЙ даги Хавас кўчаси жорий тальмирлаш

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йил	2022 йил												Минг сўм
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак			
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр	
1	Курилиш-монтаж ишлари	2022													401 126 899
	Жами														401 126 899
															401 126 899



Директор
О.Абдуназаров



Г.Шеркулова


4421 J-41m

2022 йыл Октябрь

СОВЕТСКАЯ СИМФОНИЧЕСКАЯ МУЗЫКА 2-ХЛЮБА

ВА "ОБЕЛ МАКАДА" дастурларин аналын орналаудырмалы түркисидеги №III-172 сонын калыпта Толикент шаар көн ашынын 2022 йылдың 13 октябрында VI-71-270-14-0-
К722 сонин карерига асасин тыймидан болтулган күйдөр

ОДИНДЦА ШІССІЛІККІНІҢ КІРГІЗІЛІГІ



LIBRARY OF THE UNIVERSITY OF TORONTO LIBRARIES
1950

О.Абдулазаров



Г.Шеркулова

**195924 лот юзасидан шаклланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичига иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

07.12.2022 10:50

Комиссия раиси:

ABDUNAZAROV OYBEKJON UYG‘UNJON UG‘LI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент вилояти

